

Бизнес-режага мувофиқ 2020 йилда ривожланишнинг асосий йўналишлари

(Банк Кенгаши томонидан 2019 йил 27 ноябрда тасдиқланган)

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки республиканинг ривожланган банкларидан бири сифатида банк хизматлари ва молия бозорида ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун мутлақ ва нисбий молиявий кўрсаткичларини етарли даражага кўтарилишини таминлаш ниятида.

Стратегик ривожланишнинг мақсадлари:

- Рентабелликни ошириш ва харажатларни камайтириш фаолиятини такомиллаштириш орқали даромадни кўпайтириш;
- банкнинг капиталлашув даражасини ошириш, капиталнинг етарлилиги, ликвидлиги ва барқарорлигини молиявий-иқтисодий кўрсаткичларини халқаро молиявий принциплари талаблари доирасида мустаҳкамлаш;
- фаолиятнинг барча сохаларида юридик ва жисмоний шахсларнинг мижозлар базасини сифатли ва миқдорий равишда кенгайтириш, йирик омонатчиларда концентрациянинг пасайиши;
- Узоқ муддатли ресурс базасини ошириш, юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини фаол жалб қилиш;
- активлар сифатини яхшилаш, қисқа муддатли кредитлар бериш амалиётини кенгайтириш, муаммоли кредитларнинг сўндирилиши бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, асосий қарз ва фоизлар бўйича муддати ўтган қарздорликларнинг келгусида юзага келмаслигининг олдини олиш чораларини кўриш;
- Кредит бериш жараёнини соддалаштириш, қарз олувчиларнинг тўлов қобилиятини таҳлил қилиш ва баҳолашни оптималлаштириш (скоринг модели ва кредит конвейер амалиётидан кенг фойдаланиш), кредит портфелини диверсификация қилиш;
- Банк таваккалчиликларини бошқариш тизимини ривожлантириш, Банк Кенгаши ҳузуридаги хатарларни назорат қилиш кўмитаси ишини кучайтириш, банк таваккалчиликларини бошқариш департаментининг мустақиллигини таминлаш, ривожланишнинг турли сценарийларидан фойдаланган ҳолда стресс-тест ролини ошириш, кредит бюrolари билан ишлашни оптималлаштириш;
- Халқаро молия институтлари (Хусусий Секторни Ривожлантириш бўйича Ислom Корпорацияси (Саудия Арабистони) билан музокаралар ва тегишли тартибларни ўтказиш;
- «Райффайзен Банк Интернэшнл» (Австрия), «Коммерцбанк АГ» (Германия) хорижий банклари билан музокаралар ва тегишли тартиблар ўтказиш;

- кредит линиясини жалб қилиш;
- «Исломий дарча»ни амалга ошириш доирасида фаолиятни ташкиллаштириш ва банк ходимларини исломий молиялаштириш бўйича ўқитиш;
- филиаллар ва банк хизматлари марказларининг минтақавий тармоғини ривожлантириш, янги филиалларни очиш;
- Халқаро стандартлар асосида корпоратив бошқарув тартибини ишлаб чиқиш;
- 9-сонли Халқаро молиявий ҳисобот стандартига мувофиқ молиявий активларни таснифлаш ва баҳолашга қўйиладиган янги талабларни ҳисобга олган ҳолда молиявий ҳисоботларни тайёрлаш сифатини яхшилаш;
- ISO 9001: 2015 сифат менежменти тизимининг мувофиқ стандартларига риоя қилиш;
- Ходимлар билан ишлаш усулларини такомиллаштириш, ходимлар ва аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш, «Ўқув маркази» нинг самарали ишлашини таминлаш;
- банк ходимлари ва таркибий бўлинмалари учун (KPI) асосий кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.
-

“Трастбанк” ХАБ нинг 2020 йилги Бизнес режаси бажарилиши ҳақидаги маълумот				
Бизнес режасининг асосий кўрсаткичлари	Режа (млн.сўм)	Ҳақиқатда (млн.сўм)	Фарқ (млн.сўм)	Режа бажарилиши (%)
Активлар		4 735 185		
Кредит портфели	2 119 349	2 243 470	124 121	106
Жалб қилинган депозитлар	3 315 204	3 672 209	357 005	111
Даромад	829 937	876 087	46 150	106
Харажат	529 920	562 336	32 415	106
Фойда	300 017	313 752	13 735	105